



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 10 февраль, № 29 (5449)

Жума

## МИЛЛАТИМИЗНИНГ БЕТИМСОЛ ҒУРУРИ

Юртимизда улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Истиклол туфайли улуг бобокалонларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш хайрли анъанага айланди. Зеро, етук алломалар мероси ҳамиша ибратли жиҳатлари билан авлодлар йўлини нурафшон этиб келган. Ҳазрат Алишер Навоий асарлари ҳам ана шу жиҳатдан мангуликка дахлдор. Президентимиз таъкидлаганларидек, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам учрайди.

### Эхтиром



Шу кунларда буюк мутафаккир шоир таваллуд тоғанига 571 йил тўлиши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда навоийхонлик кечалари, ҳазрат ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги улуг шоир

номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий ботида ҳам тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат, маданият соҳаси вакиллари, талаба-ёшлар, шеърят ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди, навоийшунос олим ва таржимон Эргаш Очилов, Давлат мукофоти совриндори, адиб Омон

Мухтор, ёш шоир Носиржон Жўраев Президентимиз раҳнамолигида Алишер Навоийнинг барҳаёт меросини ўрганиш, тарғиб этишга юксак эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар. 2011 йилда истиқлолимизнинг 20 йиллиги ҳамда Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги муно-

сабати билан шоирнинг ўн жилдлик тўла асарлар тўплами чоп этилди. Ушбу нашр Навоийнинг барча асарлари батафсил шарҳлар ва изоҳлар билан китобхонларга тақдим этилганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

### Фаоллар йиғилиши

Нукусда 2011 йилда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилнинг устувор вазифалари муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

### Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Ернязов бошқарган мажлисда таъкидланганидек, ўтган йили иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори ўсишга эришилди. Хусусан, Устюртдаги Сурғил қони негизда газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланди.

Кейинги икки йил мобайнида 12 та йирик енгил саноат корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 74 миллиард сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Натигада "Нукустекстиль", "Тўртқўл Асака текстиль" каби корхоналар фаолиятини қайта тикланди. Чангюткич ишлаб чиқарувчи "Нукус Самсунг", терини қайта ишловчи "Ориент-технолоджи", ипак толаси тайёрловчи "Азия-Силк" корхоналари ишга туширилди.

(Давоми 2-бетда).

## БУНЁДКОР ЭЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Муҳаммадсодиқ ишлаб чиқариш амалиётини Андижон туманининг Ўрикзор маҳалласида, намунавий тураржой бинолари қурилишида ўтади. Ҳар куни янги гап тоғиб келади, дастурхон атрофига жам бўлган оила аъзоларини ўзига қаратади:

— Коллежда ўқиганларим роса қўл келаяпти-да, ота. Иш бошқарувчимиз томга шифер қоқайтганимни кўриб, дуруст, сендан яхшигина уста чиқади, деб айтди.

### Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

— Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз, дейдилар, ўғлим, — чехраси ёришади отанинг. — Эшик-деразаларни ўрнатилишининг ҳам ҳадисини ол. Гишт теришни, шифтага безак беришни, полга тахта босишнинг урдаси. Ушунда ҳақиқий устага айланасан. Аммо билиб қўй, қўл учида иш

қилишга одатланма. Хунарини хор қилган назардан қолади, косаси оқармайди... Андижон уй-жой ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежиде 1200 нафардан зиёд ўқувчи 7 мутахассислик бўйича билим олади. Кенг ва ёруғ хоналар, замонавий ўқув жихозлари,

компьютерлар, зарур қўлланмаларга эга кутубхона, лабораториялар ёшлар ихтиёрида. — Билим ва амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди коллеж директори Фозилжон Самиев. — Ўз тақдирини юрт ободлиги билан боғлаган ҳар бир ёш миллий

меъморчилигимиздан тортиб, замонавий шаҳарсозлик ҳақида чуқур билимга эга бўлиши шарт. Эндиликда барчада хайрат ва ҳавас уйғотаётган, бир қарашда азим Тошкентимиз кўчаларига ўхшаб кетадиган Андижондаги Ўзбекистон, Истиклол, Мустақиллик, Бобуршоҳ кўчаларида қад ростлаган мухташам биноларни ўзимизнинг усталаримиз барпо этганини ўқувчи-ёшларимизни ўз устида ишлашга, изланишга ундайди.

Ўтган йилнинг ёзида коллежнинг Муҳаммадсодиқ Ҳакимов, Лочинбек Матфозиллов, Абдулборий Нейматов,

Бобурбек Одилов сингари юздан ортиқ битирувчилари ишлаб чиқариш амалиётини Андижон туманида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган тураржой бинолари қурилишида ўтказдилар. Ўқувчи-ёшлар тажрибали дурадгорлар, тунукасоллар, сувоқчию гишт терувчилардан бинокорликнинг сир-асрорини ўрганишди. Ёшларнинг маҳорати ошди, қўлидан иш келадиган бўлди. Айримлари, ҳатто, тадбиркорликка қўл уриб, мустақил иш юрита бошлади.

(Давоми 4-бетда).



### Янги «Боинг-767» Тошкент халқаро аэропортида

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз ҳаво йўллари тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида халқаро андозаларга мос авиаташув ва хизмат кўрсатишнинг замонавий инфратузилмаси шакллантирилди, авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга ошириш тизими яратилди. Айни чоғда кадрлар тайёрлаш соҳасида юксак натижаларга эришилди.

Шуларга уйғун тарзда маҳаллий авиапаркинги изчил модернизация қилиш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бу йўлда техник ва технологик жиҳатдан эскирган самолётлар фойдаланишдан эскирилди. Ҳозир компания дунё авиасаноати брендлари — "Boeing-757/767", "A310/320", "RJ-85" ва ёниги сарфлашда ниҳоятда тежамкор, ташқи кўриниши бежирим

### Яхши хабар

Миллий авиакомпаниямиз замонавий ва барча қулайликларга эга бўлган "Boeing-767-300ER" ҳаво лайнери билан бойиди. Бу мазкур жамоанинг 20 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

ҳамда маҳаллий шароитга мос ўзимизнинг "Ил-114/100" ҳаво кемалари билан фойдаланиб келмоқда. Бу борадаги изчил чора-тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида мамлакатимизга 4 та "B-767-300ER" ва 2 та "B-787 Dreamliner" русумидаги пўлат қушларни келтириш режалаштирилган. Қуни кеча мазкур буюртманинг дастлабки қалдирғочи — "B-767-300ER" пойтахтимизга келиб қўнди. Ушбу масъулиятли вазифа экипаж аъзолари — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси бош штурмани, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими Станислав Гурфинкель, ҳаво кемаси командири Тимур Файзуллаев, авиакомпания ўқув-машуғулот марказининг катта учувчи-йўриқчиси, "Дўстлик" орден-ни соҳибни Иосиф Зак ва иккинчи

М. ҚОСИМОВ.

### Нурли манзиллар сари

2011 йилда мамлакатимизда

302,5 километр



узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизирилиб, реконструкция қилинди.

Ўзбекистон Миллий автомобиль магистралли куриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларнинг изчил амалга оширилиши соҳада ана шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Андижон

"Фусункор" масъулияти чекланган жамиятида Германиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида энергетика тизимида фаолият юритаётган корхоналар учун юқори ва паст кучли ишчи сақлагичлар, контактлар, штанга ва изолятор сингари импорт ўрнини босувчи жиҳозлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Замонавий энергетика жиҳозлари

Пировардида бу ерда ўтган қисқа муддатда 715 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. 2011 йилда вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган 405 та лойиҳа амалга оширилди.

Ш. ОДИЛОВ.

### Тошкент вилояти

Вилоятда бугунги кунда 41 замонавий енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

### Корхонадан — жаҳон бозорига

Этиборлиси, уларнинг аксарияти ўз маҳсулотларини экспортга йўналтирмоқда. Бустонлик туманидаги "Осборн текстиль" масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган калава ип тўлик чет эллик буюртмачиларга етказиб берилаяпти. Элик нафар ишчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ўтган йили экспорт ҳажми 25 фоизга ошиб, хорижга 4,6 миллиард сўмлик сифатли маҳсулот сотилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида туманда экспорт ҳажми 19 миллион 718 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ.

«Халқ сўзи» мухбири.

### Фарғона

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари қўламини юксалиб боргани сари қурилиш ашёларига талаб ҳам тобора ортмоқда.

### Қувасой томёпқичлари

Фарғона вилоятида ўтган йили ўз эгаларига топширилган намунавий лойиҳалар асосидаги 675 та тураржойнинг қурилишида, асосан, Қувасойдаги томёпқич материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшама корхона маҳсулотларидан кенг фойдаланилди. Бу ерда амалга оширилган модернизация тадбирлари туфайли йилига 1 миллион 300 минг донагача шифер ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Ўтган йили Қувасой шаҳрида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 171 миллиард 536 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 139,2 фоизлик ўсишга эришилди.

Н. СОБИРОВ.

«Халқ сўзи» мухбири.

### Қашқадарё

Қарши шаҳрида "Агора" савдо мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

### Кўркам савдо мажмуаси

Мазкур мажмуада 450 та замонавий савдо дўкони мавжуд. Этиборлиси, бу ерда харидор ва сотувчилар учун барча шарт-шароит яратилган.

Вилоятда 2011 йил давомида 771 чакана савдо ва умумий оқватланш, 4 та гузар типидagi савдо ва машиий хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда 2 та бозор қурилиб ишга туширилди.

А. МУҲАММАДИЕВ.

«Халқ сўзи» мухбири.

### Хоразм

Урганч шаҳридаги "Урганч ўт ўриш машиналари заводи" акциядорлик жамиятида хорижий "Кейс" ва "Класс" русумидаги тракторлари учун айланма плуглар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

### Тракторлар учун эҳтиёт қисмлар

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфланди. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда 100 та ана шундай маҳсулот тайёрлаб, фермер хўжалиқларига етказиб берди. Умуман, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида жамият томонидан жами 2 миллиард 700 миллион сўмликдан ортиқ, 15 турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда 200 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди.

Таъкидлаш керакки, ўтган йили Урганч шаҳрида тайёрланган саноат маҳсулотлари миқдори 111 миллиард 53 миллион сўмликдан ортди.

О. РАҲИМОВ.

«Халқ сўзи» мухбири.

# МИЛЛАТИМИЗНИНГ БЕТИМСОЛ ҒУРУРИ

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Мир Низомиддин Алишер Навоий ўзининг бир асаридида шундай дейди:

**Фалак кўрмиди мен киби нодире, Низомий аро назм аро қодире.**

Дарҳақиқат, ноёб истеъдод соҳибининг замон ва сарҳад билмас адабий мероси дунё миқёсида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, кўплаб тилларга таржима қилинмоқда. Жаҳондаги нуфузли кутубхоналарда шoirнинг кўлэма асарлари сақлана-япти. Қатор хоржий мамлакатларда бo-бомизга юксак эҳтиром рамзи сифатида унинг мухташам ҳайкаллари қад ростланган.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг актёрлари томонидан буюк шoirнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчалар ўқилди.

Алишер Навоий ҳайкали пойга анвойи гуллар кўйилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов, Тошкент шаҳар ҳокими вазирасини бажарувчи Р. Усмонов иштирок этди.

\*\*\*

Шу кунни пойтахтимиздаги шoirлар хибонидида ҳам Алишер Навоий ижодида бағишланган адабий мушоира бўлиб ўтди.

**Максуд ЖОНИХООНОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган анжумандан лаҳзалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ**  
**олган суратлар.**



# АВЛОДЛАР ЭЪЗОЗИДАГИ МЕРОС

Буюк мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоийнинг бебаҳо ва барҳаёт ижодий мероси, бадиий тафаккур дурдоналари асрлар оша эътибору эъзоз топиб келмоқда. Мустақилликка эришгач, барча улуг алломаларимиз қатори Ҳазрат ижоди ва ҳаётини ўрганишга бўлган эътибор янада ортди. Шoir таваллудининг 571 йиллигига бағишлаб жойларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларда бу яна бир қарра ўз эътирофини топмоқда.

Хусусан, аллома номи билан аталувчи вилоятда Алишер Навоийнинг таваллуд санаси катта шодийна билан нишонланди. Вилоят марказида қад ростланган шoir ҳайкали пойга гулчамбарлар кўйилди. Бу ерда жам бўлган профессор-ўқитувчилар, ўқувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан Алишер Навоийнинг мумтоз адабиётининг ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, асарларида куйланган маънавий-ахлоқий қадриятлар, шунингдек, улуг бобокалонимизнинг жамият тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги улкан ҳизматларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, вилоятдаги “Фарҳод” ва “Ширин” маданият саройлари, олий ўқув юртиларида ҳам турли анжуманлар, учрашувлар, бадиий кечалар ташкил этилди.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтиди

Алишер Навоий таваллуд санасига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда сўз олганлар буюк аждодимиз қолдирган бетакрор адабий, маънавий мерос, унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр билдирдилар.

— Мамлакатимизда Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва фаолиятини янада мукаммал ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш, адабий меросини халқимизга, келажак авлодга етказиш борасида хайрли ишлар амалга оширилаётгани биз, зиёлиларни қувонтиради, — дейди институт профессори Каримбой Қурамбоев. — Зеро, мутафаккир ижоди барча халқлар ва ҳамма даврлар учун дахлдордир.

Бухоро вилоятидаги қатор ўқув муассасалари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Бухоро давлат университетиди бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда

олимлар, ёзувчи ва шoirлар, ёш тадқиқотчилар, талабалар ҳамда адабиёт ихлосмандлари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар буюк шoir абадиёти, унинг ижодидаги ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар. Баркамол авлод тарбиясида шoir асарларининг қадр-қиммати бениҳоя катта эканлиги алоҳида қайд этилди. Университет талабалари томонидан тайёрланган адабий-бадиий композиция тўпланганларнинг Навоий ижодида оид тасаввурларини янада бойитди.

Улуг бобокалонимиз таваллудининг 571 йиллиги муносабати билан Самарқанд давлат университетиди илмий анжуман ташкил этилди. Шундан сўнг навоийшунос олимлар, ўқитувчи ва талабалар, шеърят ихлосмандлари вилоят марказидаги истироҳат боғида тўпланиб, мутафаккир ҳайкали пойга гулчамбарлар кўйилди. Шoirнинг ғазаллари,

рубойиларидан намуналар ўқилди.

Самарқанд шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабиди кутлуг сана муносабати билан адабий-бадиий композиция уюштирилди. Унда ўқувчилар томонидан Навоий “Хамса”си қаҳрамонлари саҳна кўринишлари орқали талқин қилинди. Ҳазрат асарларида мадҳ этилган эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари асрлар оша ўз қадр-қиммати, аҳамиятини йўқотмай келаётгани эътироф этилди.

Андижондаги тўртта олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мактаблар ва ахборот-ресурс марказларида ҳам навоийхонлик кечалари, мушоиралари бўлиб ўтди. Андижон шаҳридаги шoir номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан байрамона тус олди. Бу ерга тўпланган адабиётшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар Алишер Навоий ҳайкали пойга гулчамбарлар кўйилди.

— Истиклол йилларида Навоий асарларининг мукамал тўплами нашр этилиши қувончли воқеалардан бири бўлди, — дейди Олтинкўл туманидаги 35-мактаб директори Зухрадон Мирзаева. — Бугун ўзбек китобхони Навоий

“Хамса”сидаги достонларнинг насрий баёнини ҳам ўқиш имконига эга. Ҳазратнинг ҳар бир асари, ҳар бир байти, мисраси кишини мушоҳадага ундайди, уни қомиллик сари етаклайди.

Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоалари, ўқув юртиларида ташкил этилган адабий кеча ва учрашувларда шoir ижодига эҳтиром кўрсатилди. Жумладан, Чортоқда бўлиб ўтган тадбирда улуг алломаниннг шаҳар марказида ўрнатилган ҳайкали пойга гуллар кўйилиб, касб-ҳунар коллежи талабалари томонидан мушоира уюштирилди. Шoir номи билан аталувчи вилоят мусикали драма театридаги бош тадбир эса адабиёт ихлосмандлари ҳамда кенг жамоатчилик ёдида узок вақт сақланиб қоладиган бўлди. Унда “Навоий — халқпарвар шoir” мавзуда маъруза қилган Наманган давлат университетиди доценти Ф. Каримова шoir ижодининг ўзига хос қирралари билан муҳлисларни яна бир қарра таништирган бўлса, адиб ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлардан иборат катта концерт дастури кўнгилларга завқ-шавақ олиб кирди.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ўтказилмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбири**  
**хабарлари асосида**  
**тайёрланди.**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлиги рамзи бўлиши билан бирга, урф-одатларимизни сақлайдиган муқаддас даргоҳ ҳамдир. Мамлакатимизда истиқлол йилларида халқимиз турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларда, энг аввало, оилалар фаровонлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганининг боиси ҳам шунда.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Хусусан, Конституциямизнинг XIV бобиди оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди. Шу асосда тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тақомиллаштирилди. Булар ўндан ортқ қонун, жумладан, Оила кодексиди ҳам ўз ифодасини топди.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб номланishi бу борада муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “...янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлиши оилани ҳаётимиз таянчи ва сунъан, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришимиз ҳеч қандай ҳоҳати йўқ”.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан ташкил

этилган давра сўҳбатиди ана шулар алоҳида таъкидланди. “Жамиятнинг асосий бўғини сифатида оиланиннг ҳуқуқий кафолатлари: унинг фаровонлигини ошириш омилилари” мавзусидаги ошбу тадбирда куйи палата депутatlари, тегишли вазирилар ва идоралар ходимлари, олимлар ҳамда экспертлар иштирок этди.

Давра сўҳбатиди таъкидланганидек, мустақиллик йилларида оила муҳофазаси ва унинг ҳуқуқларини таъминлаш давлат сибсатининг устувор вазифаларидан бирига айлангани, мазкур йўналишда олиб борилган изчил чора-тадбирлар ва уларнинг самаралари, жорий йилга “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилишининг мазмуни-моҳияти хусусиди фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда бу борадаги мезъий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланishi механизмлари ва оила ҳуқуқлари кафолатларини тўлиқ таъминлашда қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бугунги кун тақозоси эканлиги айтиб ўтилди.

Давра сўҳбатиди тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Сайджон МАХСУМОВ.**

# ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК – САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Қонун устуворлигини таъминлаш, ислохотларнинг бориши, хусусан, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши устидан депутатлик назоратини амалга оширишда ҳокимият вакиллик органлари зиммасига катта масъулият юктланган.

## Маҳаллий Кенгашларда

Бу, табиийки, ҳар бир депутатдан фаоллик ва ташаббускорликни, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда уллар ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолиятини самарали йўлга қўйиши тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг амалий кўмаги ва тавсиялари муҳим дастуриламал бўлапти. Натижада фаолиятимиз тобора кўлам ва салмоқ касб этиб бормоқда. Буни кейинги пайтларда туманимизда ўтказилган сессиялар кун тартибига олиб қилинган мажлисларнинг долзарблиги ва муҳокази яқинлари юзасидан қабул қилинган қарорлар сифати ва таъсирчанлиги бирмунча ошганида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати комиссия ва кўмиталари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ишини янада яхшилаш мақсидида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Чунонки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги қарори билан Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ва Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мажлисларидаги доимий комиссияси тўғрисида намунавий низоми тасдиқланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига Сенатнинг маҳаллий вакиллик органлари билан амалий ҳамкорлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, шунингдек, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қатор услубий қўлланмалар тартатилди.

Шу билан бирга, амалиёт халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уллар доимий комиссияларининг ишини янада тақомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ишчан ҳамда амалий руҳда ўтган ўқув-семинарда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар раислари, ҳокимликлар ташкилий назорат гуруҳлари раҳбарлари томонидан мазкур йўналишда амалга оширилishi лозим бўлган муҳим вазифалар хусусиди фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Долзарб масалалар муҳоказида қилинди

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Бу чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ўтган йили ялпи худудий маҳсулот ҳажми 112 фоизни ташкил этди. 2010 йилдаги таққослаганда капитал кўйилмалар 60, қурилиш ишлари 52, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 20, хизмат кўрсатиш кўлами 18, чакана савдо айланмаси 13, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса 12 фоизга ўсди.

Ишлаб чиқаришни диверсификациялашга алоҳида эътибор қаратил-

моқда. Ўтган йили иқтисодийнинг барча соҳаларида 842 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Унинг 67 фоизи саноят корхоналарида уллуғида тўғри келди. Енгил саноят, озик-овқат, ёғ ишлаб чиқариш, пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш корхоналарида модернизациялаш ва қайта қуриш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

Фаоллар йиғилишида, шунингдек, республикадаги айрим тармоқ ва корхоналар томонидан йўл қўйилган камчилик

ҳамда нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Баъзи туманларда аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми кам бўлса, бошқаларида хоржий инвестиция иштирокида лойиҳаларни амалга оширишга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти.

Йиғилишида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди. Жорий йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Андижон вилояти фаоллари йиғилишида 2011 йилда вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 19 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалалари муҳоказида этилди.

Вилоят ҳокими А. Усмонов бошқарган йиғилишида ўтган йили иқтисодий-таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва хоржий инвестицияларни кенг жалб этиш чора-тадбирлари кўрилгани таъкидланди. Натижада вилоятда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди. Жумладан, ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 111,3 фоизни, саноят маҳсулотлари ишлаб чиқариш 108, халқ истеъмоли моллари 103, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 109, чакана савдо айланмаси 119, пуллик хизматлар кўрсатиш 110 фоизни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Агар 2010 йилда вилоятдаги 56 та худудий корхона томонидан маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, изчил чора-тадбирлар натижасида ўтган йили бу кўрсаткич 61 тани ташкил қилди.

Айни пайтда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини

босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами ҳам изчил кенгаймоқда. Икки йил муқаддам Дастур доирасида 83 та лойиҳа амалга оширилган бўлса, ўтган йили уллар сафига яна 26 та янги лойиҳа қўшилди.

Фаоллар йиғилишида ечимини кутаётган долзарб муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-ҳунар таълимига тўла қамраб олиш, коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш даражасини ошириш, ички йўларни тартибга келтириш, қасанчиликнинг раванқ топтириш шулар жумласидандир.

Фаоллар йиғилишида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилиб, жорий йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Андижон вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқов иштирок этди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қарор ва ижро

Мамлакатимизда Маҳаллийлаштириш дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги “Саноят корпорацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш йилида чукурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

— Мазкур қарор ижроси маҳсулотларимиз турини кўпайтириш имконини берди, — дейди Бухоро шаҳридаги “Ўз Корея Медикал” кўшма корхонаси масъул ходими Назира Мирзаева. — Илгари корхонамизда бир марталик шприцлар ишлаб чиқарилган бўлса, яқинда шу турдаги маҳсулот поршенлари учун прокладкалар тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

Ҳозирги кунда яна бир лойиҳа — болалар учун мах-

## Маҳаллийлаштириш: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

сус гигиена воситалари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилаяпти.

Қарорга мувофиқ берилаётган имтиёзлар Вобкент туманидаги “Бухоро Баҳор” кўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи кир ювиш кукунини ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баравар кўпайтиришда қўл келди. Гап шундаки, ўтган йили бу ерда асосий хом ашё — силикат тайёрлаш технологияси ҳам ўзлаштирилди. Натижада 15 та кўшимча иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб, ижобий натижаларга эришаётган меҳнат жамоалари қаторига “Шаҳбоз-Шаҳром”,

“Бухоро гилам”, “Альфа-Омега” корхоналарини ҳам киритиш мумкин. Хусусан, “Альфа-Омега” корхонасида тиббий шампунь ва косметик вазелинлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Умуман, 2011 йил домида Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан вилоят бўйича жами 32,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзга тутилган эди. Амалда эса бу борадаги кўрсаткич 35,7 миллиард сўмликка етди. Пировардида 20,1 миллион АҚШ доллари миқдоридида валюта тежаб қолинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Имтиёз ва рағбат меваси

Тадбиркорликка жуда қизиқаман. Шу боис ота-онам, ака-укаларим билан маслаҳатлашиб, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” танловиди иштирок этдим.

## Дил сўзи

Ўйлаб қарасам, нафақат туманимиз, балки вилоятимизда ҳам қурилиш ашёларига эҳтиёж юқори. Айниқса, ҳовли ва йўлақларга тўшаладиган турли ҳажмдаги бетон қопламалар ишлаб чиқариш яхши самара бермоқда. Шунинг хисобига олган ҳолда, бизнес-режа туздим. Мазкур режа мена муваффақият келтирди. Фолиблар сафиди 23 миллион сўмлик имтиёзлик кредитга эга бўлдим.

Айни пайтда цех ташкил

этганимиз. Бу билан аҳоли эҳтиёжини қондириш баробарида, ички бозорни сифатли ҳамда арзон қурилиш маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Энг асосийси, ўн нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Биласиз, жойларда Президентимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳа асосида турархона бинолари барпо этилмоқда. Ушбу биноларнинг қўрқам бўлишида қурилиш ашёларининг сифатлилиги муҳим ўрин тутаети. Кичик корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ана шу талабларга тўла жавоб беради. Ҳукуматимиз томонидан солиқ тўлашдаги имтиёзларнинг мавжудлиги эса ишимизнинг ривожини бермоқда.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари аҳолисига буюртма асосида етказилаётир. Шу кунларда маҳсулот ҳажми ва турини ошириш, ишчилар сонини кўпайтириш ҳаракатидими. Шунингдек, ўз фирма дўконимизни ташкил этиш ниятимиз ҳам бор.

**Шоҳруҳ МАХСУМОВ,**  
**тадбиркор.**  
Қашқадорь вилояти

ЖАҲОН 24 соат ичида

Осиё бозорига йўл

Мобиль телефонлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган дунёга машҳур "Nokia" корпорацияси Финляндия, Венгрия ҳамда Мексикада жойлашган заводларидаги иш ўринлари сонини тўрт мингтага қисқартиришга қарор қилди.

"Bloomberg" ахборот агентлиги хабарига келтирилишича, мутасаддилар бундан буён асосий диққат-эътиборни Шарқий Осиё мамлакатларига қаратмоқчи. Чунки бугунги кунга келиб, мазкур минтақа "Nokia" махсулотлари савдоси учун етакчи бозорга айланган.

Чекинмаётган қаҳратон

Қишнинг ноанъанавий "ташрифи" туфайли Нидерландияда сўнгги 15 йил ичида биринчи марта каналлар музлаб қолди, дейилади "АФР" ахборот агентлиги хабарига. Бундай манзара Венеция ва Парижда ҳам кузатишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, "кўхна китба" аҳолиси январь ойининг иккинчи ярмидан буён қалин қор ва совуқ хароратдан азият чекмоқда. Ҳозирги кунга қадар қарийб 500 киши қаҳратон қурбонига айланган. Уларнинг аксарияти ўз уй-жойига эга бўлмаган кишилардир.

Қимматбаҳо санъат асари

"Christie's" савдо ўлкада жаҳон кино юлдузи Элизабет Тейлор коллекциясида сақланаётган Ван Гогнинг "Сен-Ремидега болалар уйи ва ибодатхона" деб номланган асари 10,1 миллион фунт стерлинг (16 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

Аукцион арафасида мутахассислар расомнинг ушбу ижод намунаси 5 — 7 миллион фунт стерлинг атрофида баҳолашганини тахмин қилишганди. Элизабетга бу суратни 1963 йилда отаси совға қилган экан.

Гуруҳдаги вазият ўзгарди

Осиё футбол конфедерацияси (АФК) Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпиада уйинлари йўлланмаси учун саралаш баҳслари доирасидаги БАА олимпия терма жамоаси ҳамда Ироқ футболчилари ўртасида кечган учрашув натижасини бекор қилди.

2011 йилнинг 27 ноябрида бўлиб ўтган мазкур баҳсда ироқликлар 0:2 ҳисобида галаба қозонишган эди. ОФКнинг ушбу қарорига ўша кунги Ироқ терма жамоаси таркибидан аввалги икки турда сариқ карточка олгани боис майдонга тушиши мумкин бўлмаган Файсал Жассимнинг уйнагани сабаб қилиб кўрсатилган.

Шундай қилиб, Ироққа Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар



МАҚСАД – ЮРТ РАВНАҚИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ

Таъкидлаш кераки, ушбу жамоа учун Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, айниқса, самарали бўлди. Яқунланган йилда кичик бизнес субъектлари барча молиялаш манбалари ҳисобида 18 миллиард 834 миллион сўм миқдорига кредит ажратилиб, 10 миллиард 870 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилиши натижасида миқозлар сони 10 317 тага етгани, ушундан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилгани бунинг исботидир.

Филиалда, шунингдек, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали фақат уларга хос меҳнат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар туфайли 289 нафар аёлга 2 миллиард 204 миллион сўм миқдорига кредит берилди.

Маълумки, юртимизда ёшларга жуда катта гамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг ўқиб-ўрганишлари, бирор бир касб ёки ҳунарни эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлардан, хусусан, банк кредитларидан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини юритаётган йигит-қизларимиз эса талайгина.

Нуқс маъший хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт коллежи битирув-

чиси Юлдуз Срашова — шулардан бири.

— Ўтган йили коллежимизда Марказий банк ташаббуси билан семинар ташкил этилиб, унда "Микрокредитбанк" мутахассислари томонидан батафсил тушуنча берилгани айни мuddо бўлди, — дейди у. — Муҳими, шу тадбирда бизнес режам энг яхши лойиҳалардан бири сифатида маъулланиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирландим. Бу кредитга тикув машиналари сотиб олиб, тадбиркорликни йўлга қўйдим. Ҳозир уч нафар тенгдошим билан аёллар, болалар либослари ва пардалар тика-япмиз. Бу юртмаларимиз эса кун сайин кўпаймоқда. Демак, ишимиз келгусида бундан-да ривожланади.

Дарҳақиқат, "Микрокредитбанк" томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг истиқболли лойиҳалари доимий қўллаб-қувватланаётгани боис жойларда қўллаб-қўйиш доирли ёш тадбиркорлар пайдо бўлиб, улар ўз билим ва интилишлари орқали маҳалласига, элу юртига наф келтириш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Хабарингиз бор, республика-мизда сервис ва маъший хизмат кўрсатиш соҳасини замон талаблари даражасига кўтариш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада худудларда замонавий жиҳозланган савдо ва умумий овқатланиш, автомобил-

жонларга хайр-саховат кўрсатилиб, байрам совғалари улашिलाди.

Яқинда шундай учрашувлардан бирида тарбияланувчиларнинг бир гуруҳига банкнинг ўз тадбиркорликларини бошлаш ва ўқув юртларида таълим олишлари учун шартнома тўловларини тўлаш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Янгиликка интилиш ва изла-

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҚОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 28 ЯНВАРДАН 3 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низома ўзгартириш қиритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 10 январдаги 01-05/12-2-сонли қарори.

2012 йил 30 январда 1317-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 9 февралдан қўчга қиради).

2. «Берилган раҳиностоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низома ўзгартиришлар ва қўшимчалар қиритиш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2012 йил 13 январдаги 18-сонли буйруғи.

2012 йил 30 январда 1557-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 9 февралдан қўчга қиради).

3. «Банкларо кредит бюроси ва тижорат банклари ўртасида маълумотлар айирбошланиши ҳамда кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/3-сонли қарори.

2012 йил 30 январда 1380-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 9 февралдан қўчга қиради).

4. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банкларо кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/5-сонли қарори.

2012 йил 30 январда 1562-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 9 февралдан қўчга қиради).

5. «Истеъмолчиларнинг электр қурilmаларидан техник фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча қиритиш тўғрисида» Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошчилигининг 2012 йил 17 январдаги 1-сонли буйруғи.

2012 йил 31 январда 1383-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 10 февралдан қўчга қиради).

6. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 38/1, 89-сонли қарори.

2012 йил 1 февралда 2320-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 11 февралдан қўчга қиради).

7. «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2011 йил 26 декабрдаги 38, 42 қ/қ-сонли қарори.

2012 йил 1 февралда 2321-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 11 февралдан қўчга қиради).

8. «Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 20 декабрдаги 38/2-сонли қарори.

2012 йил 3 февралда 2322-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 13 февралдан қўчга қиради).

(Давоми бор).



ларни таъмирлаш, сайёҳлик шочиядорлик тобора кўпаймоқда. Бунда, табиийки, филиал аҳлининг муносиб улуши бор. Ушбу йўналишдаги тадбиркорликни ривожлантириш учун 198 та миқозга 2 миллиард 725 миллион сўм миқдорига кредит берилгани ана шунинг далоятидир.

Бундан ташқари, филиал томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 53 та хўжалик юритувчи субъектга 153 миллион сўмлик сармоя ажратилгани худудда гўш ва сут махсулотлари кўпайишига асос бўлмоқда. Жамоанинг пул муомаласини мустаҳкамлаш борасида кўрган чора-тадбирлари натижасида ўтган даврда банк кассаларига 35 миллиард 631 миллион сўм кирим қилинган ҳам эътиборга лойик.

Банк аҳолининг барча қатламлари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Ҳатто Меҳрибонлик уйларидаги тарбияланувчилар ҳам эътибордан четда қолган эмас. Хусусан, Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйида банк ходимлари ташаббуси билан тез-тез учрашувлар бўлиб туради. Бола-

ниш "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкнинг аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш ва уларни банк маблағларидан баҳраманд этиш имкониятларини оширапти. Масалан, 2012 йилдан бошлаб "Келажакка интеллект инвестиция" кредити жорий этилди.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан ишлаб чиқилган мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад эса фуқароларнинг маънавий эҳтиёжини қондиришдан иборат. Яъни ушбу кредит фойдаланувчининг олий ўқув юртлирига киришга тайёргарлик кўриши, ўқув марказларида билим олиши, хорижий тиллар ва компьютер саводхонлигини ўрганиши, спорт билан шугулланиши ёки касб-хунар эгаллаши ҳамда кўрсатилган хизматлар ҳақида тўлаш учун ажратилади.

Энг кам иш ҳақининг 50 баробаргача миқдорда ва 18 ой мuddатгача бериладиган бу кредитдан 50 ёшдан ошмаган, даромадга эга шахслар фойдаланиши мумкин.

Мухтасар айтганда, "Микрокредитбанк", хусусан, унинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалида амалга оширилаётган ишларнинг бари аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини юксалтириш орқали юртимиз иқтисодиёти раванқига муносиб ҳисса қўшишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Д. УЛУҒМУРОВО.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БАРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Танлов савдосига ТИФ «Миллийбанкнинг қўйидаги корхоналар устас фондидидаги 100 фоиз удушлари қўйилмоқда»

Table with 6 columns: T/p, Auction object, Corporate body, Bid amount (%), Bid amount (sum), Bid amount (USD). Rows include 'KINDER FRUITS' and 'TOSHKENT QOQ'OZI'.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртмаомаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖ тақдим қиладилар ва закатал тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закатал тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов тақлифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олинishi мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов тақлифларини қабул қилиш мuddати 2012 йил 6 март кунги Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади. Тақлифлар тўхтаган тақдирда, танлов савдолари 2012 йил 16, 23 ва 30 март кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади. Такрорий савдоларга танлов тақлифларини қабул қилиш савдодан уч кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Танлов тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 12 март кунги Тошкент вақти билан соат 15.00 да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади. Тақлифларни очиб вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг воқалатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдода энг мақбул тақлиф қиритган талабгор танлов голиби деб топилади. Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов голиби улунинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги

маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнақ пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотиб шартномасида белгиланган мuddатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

100175, Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

Мулкдорлар диққатига! Сиз учун имконият!

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устас фондидидаги улушлар, автомобилотранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда махсуслашган-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқариш маҳсулотни сотади. (ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Кувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Кувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган. Баҳоси — 1 тонна учун 8 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан. 2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

UZTELECOM «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали абонентлари диққатига!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

сизларга маълум қиладики, Тошкент шаҳар телефон тармоғи реконструкция қилиниши ва ЭАТСга ўтказилиши муносабати билан икки ҳафта давомида қўйидаги ЭАТСларда:

ЭАТС-214, ЭАТС-216/217, ЭАТС-220, ЭАТС-222, ЭАТС-223, ЭАТС-225, ЭАТС-226, ЭАТС-227, ЭАТС-229, ЭАТС-242/249, ЭАТС-ЭАТС-244, ЭАТС-273/278, ЭАТС-274, ЭАТС-288

алоқа сифати ёмонлашиши мумкин. Ноқулайлиқлар учун ўз сўрайиш.

# ҲАВАС, ҲАРАКАТ, МУВАФФАҚИЯТ



Мадина, Моҳинур, Азиза Жарқўрғон туманидаги 21-умумтаълим мактабда ўқишади. Улар ўн ёшдан мазкур даргоҳда ташкил этилган волейбол тўғарагига қатнай бошлаганлар. ...Кенг ва ёруғ спорт зали. Мактаб ҳовлисида чимли майдонча. Хуллас, спорт билан шуғулланиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Тўғаракка мактаб директори Суюн Бойқулловнинг ўзи бош-қош. Бир томони, маҳалла-қўй, ота-оналар "Бўш келманглар!" деб қизларни кўллаб турибди. Ушбу сайъ-ҳаракатлар кўп ўтмай ўз самарасини берибди. Бу ерда спортга ошно тутинган қизлар туман, вилоят миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгаллай бошладилар. Ўтган йили Муста-

қиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган республика биринчилиги бахсларида мактаб жамоаси кучли учликдан жой олди. Табиийки, бу муваффақият кишлоқ қизларини янада катта марралар сари илҳомлантирмоқда. Энди улар халқаро миқёсдаги беллашувларда голиб бўлишга интиляптилар. — Мактабимизда юз нафардан ортиқ қизлар волейбол билан шуғулланади, — дейди Азиза Убайдуллаева. — Уларнинг ичиде истеъдодлилари кўп. Дугоналарим орасидан вақти келиб Ўзбекистон шарафини халқаро майдонларда муносиб химоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқади. Ўқув даргоҳида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сайъ-ҳаракатлар хайрли юмшларга улашиб кетди. Жумладан, мактаб жойлашган Намуна маҳалласида ҳашар йўли билан йирик спорт мажмуаси бунёд этил-

ди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Галина Низомова туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида спорт гимнастикаси тўғарагини очди. Ушбу таълим муассасаси мараббийи Муқаддас Аҳмедова раҳбарлигидаги бадий гимнастикачи қизлар — Ситора, Нилуфар, Улдона икки марта "Умид ниҳоллари" мусобақаларида муваффақиятли қатнашди. Умуман олганда, тумандаги мактабу маҳаллаларда фаолияти йўлга қўйилган бокс, кураш, теннис, футбол, баскетбол, енгил атлетика каби тўғаракларнинг ёш аъзолари ҳам ўзларини кўрсата бошладилар. — Бундай эзгу ишлар бошқа туманларимизда ҳам кўзга ташланмоқда, — дейди республика Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Фахриддин Абдураулов. — Бунинг натижасида 2011 йил вилоятда халқаро ва республика миқёсидаги 6 та спорт анжумани ўтказилди. Шундан тўрттаси бевосита Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди. "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг республика босқичи, сузиш бўйича ёшлар ўртасида республика биринчилиги, қўл тўпи бўйича 13-14 ёшли қизлар ўртасида спорт фестивали шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, ўтган йили Термиз шаҳрида лойиҳа қиймати 15 миллирд сўмга яқин бўлган 10 000 ўринли муҳташам "Сурхон" спорт мажмуасининг қурилгани нафақат воҳа, балки республикамизнинг барча ёш спортчилари давлатимиз раҳбари томонидан ўзларига кўрсатилган наватдаги катта ғамжўрлик, деб қабул қилдилар. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2011 йилда болалар спорт объекти, сузиш ҳавзалари ва болалар мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш

тўғрисида"ги қарорига асосан, бултур жамғарма маблағлари ҳисобидан вилоятда 9 та спорт иншооти бунёд этилди. Бунга 10 миллиард 445 миллион сўм йўналтирилди. Биргина Термиз шаҳрининг ўзида 6 та болалар спорт объекти қад ростилагани, шаҳарнинг 9 та маҳалласида умумий қиймати 79,1 миллион сўмлик спорт майдончалари барпо этилгани, кишлоқ жойлардаги ўқувчи қизлар 747,4 миллион сўмлик спорт кийимлари билан таъминлангани, 100 га яқин кишлоқ мактабларида спорт ва бадий гимнастика тўғарақларини рағбатлантириш тадбирлари ўтказилгани бу борадаги ишларнинг кўлами ошиб бораётганидан далолатдир. Пировадидан айна пайтда ўғил-қизлар спортнинг 31 тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Ваҳолонки, бу кўрсаткич 2004 йилда 12 тадан ошмасди. Биргина ўтган йили вилоятдаги спорт секциялари сони 371 тага кўпайди. Муҳими, кейинги 7 йилда



Сурхондарёда спорт ва жисмоний соғломлаштириш билан шуғулланувчилар сони 29 фоиздан 40 фоизга ўсди. 520 минг нафар ўқувчи-ёшларнинг қарийб ярми спортни ўзларининг қундалиқ машғулоти, деб билладилар. Бултур шулардан 1014 нафари республика миқёсидаги беллашувларда қатнашиб, 683 та медални (шулардан 174 таси олтин) қўлга киритишди. Тўйчи Авлиёқуллов, Шахзод Азизов, Арслонбек Махмудов сингари ёшлар спортнинг стол тенниси, универсал жанг, пенка силат турлари бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда совриндор бўлдилар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт ривожига қаратилаётган улкан эътибор воҳа аҳолиси ўртасида ҳам соғлом турмуш тарзини янада чуқур қарор топтириш, баркамол авлодни вояга етказиш ва истеъдодларини кашф этишга замин яратмоқда. **Олимжон УСАНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## Фахр

Яқинда Хоразм вилояти давлат кўғирчоқ театри **Озарбайжон Республикасининг пойтахти Бoku шаҳрида бўлиб ўтган I Халқаро кўғирчоқ театрлари фестивалида иштирок этди.**

## Ўзбек рақсининг сеҳри

Хоразмлик кўғирчоқ-бозлар фестивалда Г. Юсупова режиссёрлиги асосида тайёрланган "Хива лагзиси" спектакли билан қатнашди. Ушбу томошани намойиш этиш асносида халқимизнинг авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган ва миллий қадриятлари даражасига кўтарилган номодий меросимиз тараннум этилди. Фестивалда "Лагзи"дан ташқари жарчилар чорлови, полвонлар кураши, чўғирма ўйинлари ҳам намойиш қилинди. **М. КАРИМОВА.**

## Тухфа

Поп тумани марказида янги спорт иншооти — фитнес клуби фаолият бошлади.

## Спортсевар ёшларга қулайлик

Тадбиркор Шуҳратжон Хайдаров томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа спортнинг оғир атлетика турига қизиқувчи ёшлар учун ажайиб тухфа бўлди. "Баркамол" дея номланган клуб замонавий спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминланди. Бунинг учун 82 миллион сўм миқдориде маблағ сарфланди. Хозир 40 нафар ўғил-қиз бу ерда ташкил этилган машғулотларда қатнашмоқда. **Қ. НАЖМИДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## ОБ-ҲАВО

(10 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	-7 -12	0 -5	
Бухоро ва Навоий вилоятларида	-7 -12	0 -5	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	-2 -7	0 +5	
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	0 -5	+3 +8	
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	-3 -8	0 +5	
Тошкент шаҳрида	-2 -4	+1 +3	

## «Бақо гули»

Тошкент Фотосуратлар уйида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишлаб «Бақо гули» деб номланган кўргазма очилди.

## Кўргазма

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда адабиётшунос олимлар, санъатшунослар, мусаввирлар, талаба-ёшлар иштирок этди. Миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада раванқ топтириш, ёшларимизни буюк аждодларимизнинг боқий меросига

ҳурмат руҳида тарбиялашда Алишер Навоий адабий меросининг ўрни беқиёс. Бадий кўргазмада мамлакатимиз мусаввирлари ва ҳайкалтарошларининг улуг бобомиз дostonлари асосида яратилган туркум асарлари намойиш этилмоқда.

Суннат АСТАНОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, Муҳаммад-содик ҳам тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Андижон туманидаги Завроқ кишлоғида намунавий тураржой биноларини тиклаётган "Холис курилиш" фирмаси билан шартнома тузиб, уларнинг паркет полларини қўлдан чиқармоқда. 2010 — 2011 ўқув йилида вилоятдаги 104 та

# БУНЁДКОР ЭЛ ФАРЗАНДАРИ

касб-хунар коллежини 37 минг 682 нафар шундай ёш мутахассис таъминлади. Улар 7981 корхона, ташкилот билан амалиётни ўташи ва келгусида мазкур корхоналарда ишга жойлашиш учун шартнома имзоладилар. Илғор ва замонавий технологияларни мохир-

лик билан бошқараётган, катта иш тажрибасига эга 13 минг 815 нафар мутахассис муастакл ҳаёт остиносида турган йигит-қизларни "Устоз — шоғир" аънанаси асосида ўз ёнларига олдилар. Маълумки, аҳоли бандлигини, айниқса, коллеж битирувчиларини иш би-

лан таъминлаш долзарб вазифа. Кейинги йилларда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан масалага ечим топишга эътибор қаратилаётди. Биргина 2011 йилнинг ўзида янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қўшимча қувватларни ўзлаштириш ҳисобига 405 та саноат тармоғи барпо этилди ва уларда 2844 та иш ўрни яратилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 109 та лойиҳа амалга оширилди. Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига эса 33 мингдан зиёд ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлдилар. Таъкидлаш жоизки, ўғил-қизларимизнинг ўз ҳаёт йўллариини топишларида молия муассасаларининг моддий кўмағи катта самара бераётди. Президентимизнинг

2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, ушбу махсус, касб-хунар таълими бошқармаси билан Марказий банк вилоят бошқармаси ҳамкорлигида махсус дастур ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истакларини билдирган йигит-қизлардан 630 нафарига 3 миллиард 200 миллион сўм миқдориде кредит ажратилди. Ёшларнинг эртанги истиқболига қаратилаётган бу каби чекисиз ғамжўрлик ва юксак эътибор уларнинг маънан ҳамда жисмонан етук инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади. **Одилжон ШОДНОАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири. **Азамат ТОШМАТОВ** олган сурат.



## Она ва бола саломатлиги — доимий муҳофазада

Соғлом фарзанд — оила қувончи. Унинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етиши учун, энг аввало, она саломат бўлиши лозим. Мамлакатимизда амалга оширилаётган оналар ва болалар соғлиги муҳофазаси йўлида эзгу чора-тадбирлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

нуқсонли туғилиши ва ирсий хасталикларнинг олдини олиш, янги туғилган чақалоқларни тиббий текширувдан ўтказиш

ҳамда жисмоний нуқсонли туғилган фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат бериш асосий вазифамиздир. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги йилларда марказда оналар ва болалардаги наслдан-наслга ўтувчи ирсий касалликлар, қалқонсимон без касалликларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича яхшигина тажриба ортирилди. Бу ерда акушер-гинеколог, эндокринолог, лаборант-шифокор сингари малакали мутахассислар фаолият юритмоқда. Улар даволаш-профилактика ишларини олиб бориш билан бир қаторда, кенг жамоатчилик орасида, кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда аёллар репродуктив саломатлигини асраш, соғлом оилани шакллантиришга оид тарғибот ишларида ҳам фаол иштирок этишаётди. **Шомурод ХОЛМУРОДОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Жойларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни тиббий текширувдан ўтказиш йўли билан наслик касалликлар ривожланишининг олдини олиш борасида амалий сайъ-ҳаракатлар қилинаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Бугунги кунда Сирдарё вилояти "Она ва бола" скрининг марказида ҳам оналар ва болаларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Энг муҳими, 2010 йилда мазкур марказ қайтадан реконструкция қилинган, замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди. — Марказимизда юқори сифатли ультратовуш сканери, неонатал ва пренатал скрининг учун "Дельфия" диагностика ускунаси мавжуд ва ушбу техник жиҳозлар ёрдамида тахлиллар, текширувлар ўтказилмоқда, — дейди бош шифокор Турсуной Холбоева. — Ҳозир уч йўналишда иш олиб бораёямиз. Яъни ҳомиланинг

## Интилиш

Бухоро вилояти психоневрология шифохонасининг "Энг яхши нарсалар болалар учун" деб номланган лойиҳаси Япониянинг Бегаз ёрдам дастури доирасида ўтказилган танловда голиб деб топилди, 88 минг 400 АҚШ долларлирик грантга сазовор бўлди.

## Эзгулик ифодаси

— Кичик ҳажмли ижтимоий лойиҳаларга ажратиладиган бу грант туфайли масканимиз замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди, — дейди шифохона бош шифокори Мавлада Ортиқова. — Бизда асаб касалликларидан озор чеккан болалар даволанишида. Мазкур грант даволаш ишлари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. **И. ИБРОҲИМОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси кўмитаси Молиявий таҳлил кафедраси доценти Матназар Раҳимовга акаси **Шоназар РАҲИМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этди.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси кўмитаси Ахборот-ресурслар маркази мудир Динара Мансуровага турмуш ўртоғи **Ҳаётилла МАНСУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

## Энг яхши лойиҳалар — амалиётга

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан, Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган "Энг яхши электрон-ахборот ресурслари" республика кўрик-танлови таълим жараёнларига ахборот технологияларини жорий қилиш мақсадига қаратилди.

## Танлов

У икки йўналишда бўлиб ўтди. Биринчисида умумий ўрта таълим, ихтисослаштирилган давлат умумтаълими ва махсус мактаб ўқувчилари иштирок этган бўлса, иккинчи йўналишда умумтаълим мактаблари, педагогика институтлари мутахассислари ҳамда ўқитувчилари қатнашди. Яқинда ўқувчилар ўртасидаги "Компьютер ўқув йўналиши ва тренажёрлар ҳамда видеороликлар" номинацияси бўйича Тошкент шаҳар Юнусов туманидаги 235-мактаб ўқувчиси

Жаҳонгир Ақромов голиб деб топилди. Ўқитувчилар ўртасидаги "Электрон ўргатувчи дастурлар (электрон кўланмалар, дарс ишланмалари, видеоролик ва дидактик материаллар)" номинацияси бўйича Косонсой туманидаги 13-мактаб ўқитувчиси Раҳимжон Фозилов, "Назорат қилувчи дастурлар, дарс жараёни ва мактаб бошқарувида автоматлаштирилган иш жойлари" номинациясида эса Бухоро шаҳридаги 17-мактаб ўқитувчиси Ҳаким Рустамов биринчи бўлди.

Тадбир доирасида иштирокчилар учун "Халқ таълими тизимида АКТ жорий этиш", "Мультимедиа ва умумтаълим дастурларини ривожлантириш", "Халқ таълими тизимида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш ва яратиш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий анжуманлар ҳам ташкил этилди. **Бахриддин ШАЙВАЛИЕВ.**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 21.30

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусахҳач — Х. Тошқўжаев.

1 2 3 4 5